


## ТУ-154 ҳалокати

***Қора денгиз соҳилидаги Анапа шаҳридан Санкт-Петербургга парвоз қилаётганда ҳалокатга учраган ТУ-154 самолёти фожиаси сабаблари ўрганилмоқда.***



Украинанинг Донецк шаҳридан 45 километр олис масофада қулаб тушган самолёт бортидаги 160 нафар йўловчи, 10 нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлган. Қурбон бўлганларнинг 40 нафарини ёзги таътилдан қайтаётган болалар ташкил этган. Санкт-Петербург аэропорти вакиллари самолёт бортида хорижий фуқаролар ҳам бўлганини айтишмоқда. Ҳалокат сабабларини аниқлаш учун Россия ва Украина ҳукуматлари қўшма комиссияси тузилган. Дастлабки тахминларга кўра, самолёт бортида юзага келган ёнғин ёки чақмоқ уриши ТУ-154 нинг ерга қулашига сабаб бўлган. Ҳалокат гувоҳларининг таъкидлашича, самолёт тахминан соатига 300 километр тезликда пастга шўнғиган. Фожиага террорчилик акти сабаб бўлган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги гумонлар ҳам йўқ эмас. Аниқ хулосалар "қора қути" ёзувлари ўрганиб чиқилгандан сўнг маълум бўлади.

## Гаровдагилар тақдири номаълум

***Фаластин мухториятида икки нафар журналистни ўғирлаб кетган жангарилар талабини АҚШ ҳукумати рад этмоқда.***



14 август куни Ғазо секторида "Фокс ньюз" телеканалининг журналистлари - америкалик 60 ёшли Стив Сентанни ва Янги зеландиялик 36 ёшли Олаф Виг "Муқаддас жиҳод жамоаси" жангарилари томонидан гаровга олинган эди. Жангарилар "Фокс ньюз" ходимларининг озодлиги эвазига Американинг барча қамоқхоналаридаги мусулмон маҳбусларнинг 72 соат ичида қўйиб юборилишини талаб қилишганди. Ўтган куни АҚШ Давлат департаменти вакили гаровдагиларнинг зудлик билан озод этилишини талаб қилиб, Вашингтон террорчилар билан ҳеч қандай муросага бормаслигини айтиб ўтди. Жангарилар қўлидаги икки нафар журналистнинг тақдири қандай кечиши гумон бўлиб қолмоқда.

## Ҳарбий жиноятда айбланмоқда

***Amnesty International инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Исроилни ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбламоқда.***



Ташкилот баённомасида ёзилишича, Исроил армияси Ливанда олиб борган жанговар ҳаракатлари вақтида тинч аҳолига ва фуқаролик инфраструктурасига қасддан жиддий зарар етказган. Исроил аскарлари ливанликларнинг ўз уйларини тарк этишлари учун атайлаб озиқ-овқат магазинлари, шифохоналар, сув, электр таъминотини йўқ қилишган. 12 июлдан 14 августгача бўлган вақт мобайнида Исроил ҳаво кучлари 7 мингта иншоотга ракета зарбалари берган, 80 та кўприк ва 100 га яқин магистрал ишдан чиқарилган. Ҳужумлар оқибатида 1100 нафар ливанлик ҳалок бўлган, уларнинг аксарияти ёш болалар бўлган. Миллионга яқин аҳоли қочқинга айланган. "Ҳизбуллоҳ" жангарилари томонидан Исроил аскарларининг яширинча ўғирлаб кетилиши "Цахал"нинг Ливан инфраструктураси, тинч аҳоли ҳаёти ва соғлиғига етказган зиёнини оқлай олмайди" дейилади ташкилот баёнотида.

## Ширак Францияга керак

***Жак Ширак Франция президентлигига ўз номзодини учинчи бор илгари суриши мумкин.***



Мамлакатнинг собиқ бош вазири Жан-Пьер Раффарен шундай фикрга келмоқда. Унинг сўзларига кўра, халқаро вазиятлар Ширакнинг яна бир бор сайловларда қатнашишини талаб этмоқда. Яқинда Францияда ўтказилган оммавий сўровномалар ҳам Жак Ширак фойдасига ҳал бўлган. Аксарият французлар унинг давлат бошқаруви даври Франция учун самарали кечаётганини айтиб ўтишган. Мамлакатда сайловолди расмий кампанияларининг бошланишига ҳам оз вақт қолди. Ширак ўз номзодини илгари суриши ёки йўқлигини ҳозирча маълум қилмаяпти.

## Эрон тўғрисида ҳисобот

***Лондондаги халқаро муносабатлар бўйича қироллик институти "Чатам Хауз" Эронни Яқин Шарқдаги террорга қарши курашда энг кўп фойда кўрган давлат, деб ҳисобламоқда.***

Институт томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилишича, АҚШ Эроннинг минтақадаги икки асосий рақиби - Саддам Ҳусайн тузуми ва "Толибон" ҳаракатини деярли йўқ қилган, бироқ уларнинг ўрнига янги барқарор сиёсий тузилма барпо эта олмаган. Эроннинг ўз кучига бўлган ишончи қай даражада ошиб бораётганини институт мутахассислари Теҳроннинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қўшни бўлган давлатлар билан мустаҳкам ришталари ҳамда уларга кучли таъсир ўтказиш тажрибасига эга эканлиги билан исботлашмоқда. Булар Ғарбнинг назаридан четда қолмоқда ва бу Эроннинг зиддиятли ядровий дастури юзасидан олиб борилаётган тортишувларга таъсир ўтказмоқда, дейилади ҳисоботда.

## Айбини тан олмаяпти

***Австралия суди Сидней шаҳрида қатор қўпорувчиликларни содир этишга уринган шахсни 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.***




Келиб чиқиши покистонлик бўлган 36 ёшли муҳандис Фаҳим Халид Лоди 2003 йилда шаҳар электр тармоқлари ва ҳарбий иншоотларда портлашлар уюштиришга ҳаракат қилишда айбдор, деб топилди.

Лоди қўлга олинган вақтда унинг уйидан портлатиш мосламалари, заҳарли моддалар, террорчилар қўлланмаси ва Сидней электр тармоқлари харитаси топилган. Шундай бўлса-да, у ўзига нисбатан қўйилган айбловларни тан олмай келмоқда.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

---

*Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?*

# Ўзбекистон шаъни муқаддас

***Ватан шарафини ҳимоя қилиш нақадар юксак туйғу эканлигини ҳис қилишнинг ўзи катта бахт. Хорижий юртларда бўлганингда буни янада кўпроқ сезаркансан, киши. Мустақиллик шарофати туфайли ана шу бахтга муяссар бўлганимдан беҳад қувонаман.***

2003 йил Хитой ва 2004 йил Ҳиндистон давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этдим. Ҳар бир беллашувга киришар эканман, кўз олдимдан миллионлаб ватандошларимиз ўта бошлайди. Албатта, дунёдаги ҳар бир миллат ўз юртини мустақил кўришни хоҳлайди ва бу учун керак бўлса жонини беради. Яратганга шукрки, биз ҳам мустақиллик туфайли дунёга танилдик. Бу борада спортдаги эришган ютуқларимиз билан фахрлансак арзийди. Ўзбекистонда болалар-спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти, юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, болалар ихтиёрига топширилмоқда. Мен ҳам ана шу ғамхўрликлар туфайли спортга меҳр қўйдим ва бугунга келиб маълум даражада ютуқларга эриша олдим. Бу интилишларим ҳукуматимиз эътиборидан четда қолмади ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирландим. Яна шуни алоҳида айтмоқчиманки, дунёдаги ҳеч бир давлатда ёшларга биздагидек эътибор қаратилмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Президентимиздан миннатдор бўлган миллионлаб болалар, ёшларни кўриб буни янада чуқурроқ англайсиз. Ўзбекистонлик ҳар бир спортчининг турли мусобақаларда ғалаба қозониши замирида мамлакатимизда спортга бўлган катта ғамхўрликлар самараси бор. Мен ҳам ана шу эътиборга жавобан ўзим иштирок этаётган мусобақаларда Ватаним шаънини, ҳимоя қиламан.

**Элеонора СОАТОВА,**
**кураш ва дзюдо бўйича бир қатор халқаро турнирлар совриндори, кўп карра Ўзбекистон чемпиони**

---

# Изланиб яшаш завқи

***Мустақиллик барча соҳа кишилари қатори биз қишлоқ меҳнаткашлари, деҳқонлар учун ҳам том маънода эмин-эркинлик берди. Ўз еримизга эга бўлдик.***

Ҳар йили меҳнатимиз, ҳаракатимизга яраша ҳосил оляпмиз. Даромадларимиз ҳам ёмон эмас. Йил сайин турмушимиз фаровонлашиб, шарт-шароитларимиз яхшиланиб бормоқда.

Ўзим ҳақимда айтадиган бўлсам, тўққиз йилдан бери фермерман. 56 гектар ерим бор. Шунинг бир қисмида пахта, бир қисмида эса ғалла етиштирамиз.

Ўтган йили 20 гектар ерга экилган ғалладан гектар ҳисобига 50 ўрнига 56 центнердан, 36 гектар пахтадан 34 ўрнига 43,4 центнердан ҳосил олдик. Ўзимизга 37 тонна буғдой қолди. Умуман, пахтачилик, ғаллачилик бўлиб, яқин 15 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. Фойдамиз ҳисобидан битта янги техника сотиб олдик.

Бу йил эса 60 тоннага яқин уруғлик ғалла топширдик. Шунинг ҳисобига 3 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришдик. Пахтадан ҳам мўл ҳосил кўтариш мақсадида ғўза парваришини оби-тобида олиб боряпмиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда бу йил соф даромадимиз 20 миллион сўмдан ошиб кетади.

Замоннинг ўзи ҳар бир кишидан тинмай изланиб, интилиб яшашни талаб этяпти. Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб қолиш, яхши, хайрли ишларга ошиқиш керак. Президентимизнинг аҳоли чорвасини ривожлантириш ҳақидаги қароридан кейин менинг ҳам дилимда янги орзу ниятлар туғилди. Эндиликда хўжалигимизда пахтачилик, ғаллачилик билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга қўйиб, шу йўл билан эл дастурхонига арзон, сифатли чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқчимиз.

**Фахриддин ҚАНДОВ,**
**фермер.**
**Бухоро вилояти.**

---

*Божхона*

***Давлат божхона қўмитаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 15 январдаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар.***

# Спиртфурушлар йўли тўсилди

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотга асосан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош бўлган, Оқолтин туманининг "Сардоба" қўрғони ҳудудида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида Оқолтин туманида яшовчи Ж.Мирзажонованинг уйи қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилди. Уйнинг айвонида юртимизга айланма йўллар орқали ноқонуний равишда қўшни республикадан олиб кирилган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз жами 1438 дона елим идишларда 2 минг 157 литр, умумий қиймати



2876000 сўмлик спирт маҳсулоти борлиги аниқланди.

Фуқаро Ж.Мирзажонова эса ушбу спирт маҳсулотларини ўз ҳамтовоғи Г.Муздибоевага тегишли эканлигини маълум қилди.

Ҳозирда мазкур қонунбузарлик ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сирдарёда шунга ўхшаш яна бир ҳолат божхоначилар томонидан фош этилди. Ҳушёр ходимлар Оқолтин тумани ҳудудидаги айланма дала йўлларда ҳаракатланаётган Сардоба қўрғонида яшовчи Оразбек Аристанов бошқарувидаги "Нива" русумли автоулов тўхтатилиб текширувдан ўтказилди. Мўмай пул орттириш учун жони ҳалак бу кимса ўзи билан автоулов юкхонаси ва салонида қўшни республикадан сотиб олган умумий нархи 1071907 сўмлик 655 дона 1,5 литрли елим идишларда 982,5 литр спирт маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимизга олиб келаётганлиги маълум бўлади.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Нурбек САЛОМОВ,**
**ДБҚ Матбуот хизмати ходими.**

---



Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги Телекоммуникация боғланмаси ҳозирда хорижий компаниялардан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада, мижозлар дунёнинг исталган мамлакати билан телефон орқали тез ва соз боғланиб, сўзлашиш имконияти яратилди.

СУРАТДА: Телекоммуникация боғланмаси оператори Ёрқиной Фозилова ва шогирди Маҳбубахон Расулова мижозлар хизматида.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

---

*Қашқадарё томонларда*

## Дўстлик — мустаҳкам қўрғон

***Қарши шаҳрида энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" шиори остида дўстлик фестивали ўтказилди.***

Унда воҳада истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Шунингдек, фестивалда вилоятда фаолият кўрсатаётган корейс, татар-бошқирд, туркман миллий маданият марказлари вакиллари ҳамда украин миллатига мансуб гуруҳлар иштирокида Ватанни, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

## Савоб ишни ҳар ким қилиши керак

***Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан ўтказилган умумхалқ ҳашарида қашқадарёликлар ҳам уюшқоқлик билан иштирок этдилар.***

Воҳа аҳли ўзлари яшаб турган маҳалла, кўча ва хиёбонларни тозалаш, тартибга келтиришга отландилар. Ҳашар кунлари 1404,4 гектар ер ободонлаштирилиб, 1221,8 метр ариқ ва лотоклар тозаланди. 992,8 мингта дарахтга шакл берилиб, оқланди. 583 та зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. 13423 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланиб, 3426,5 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди.

Энг муҳими, ҳашар кунлари элимизга хос бўлган бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва саховатпешалик фазилатлари намоён этилиб, ногирон ҳамда кам таъминланган оилаларга 60 миллион 828 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

## Ёшлар марафони

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан юртимизнинг вилоятлари бўйлаб "Ватанни севмоқ иймондандир" шиори остида ёшлар марафони давом этмоқда.***

Яқинда атоқли адабиёт, маданият, санъат арбоблари, таниқли спортчилардан ташкил топган марафон иштирокчилари Қарши шаҳрида бўлдилар. Улар 2700 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Шундан сўнг марафон иштирокчилари Яккабоғ туманидаги Чайдори қишлоғида ёшлар билан учрашишди. Шаҳрисабзнинг тарихий обидаларини зиёрат қилишди, "Оқсарой тўқимачи ЛТД" қўшма корхонаси ишчилари даврасида мулоқот ўтказдилар.

## Оила тинчлиги — юрт тинчлиги

***Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ мажлислар залида оила тотувлиги, уларни жамоатчилик ишларига жалб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.***

Семинарда мазкур округнинг Навоий, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳарбий бўлимларида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиқлари - хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси

***Қарши шаҳрида ўтказилган "Бўш иш ўринлари" ярмаркасида 65 та корхона, ташкилот ва муассаса, 304 та бўш иш ўрни ва маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашди.***

Иш берувчилар ишсиз фуқароларга меҳнат шароити, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида тушунча бердилар. Тадбир давомида 118 нафар кишига иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишлашга йўлланма берилди. Иш изловчилардан 7 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

---

# Тотувлик

## гўзал ва фаровон ҳаёт асоси

***Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида андижонлик Израэл исмли киши баъзи бировларнинг кўпиртириб сўзлашларига учиб, океан ортидаги бадавлат мамлакатда яшашни ихтиёр этганди. Институтда кўп йиллар устозлик қилган собиқ юртдошимиз аввалига Америкадаги мўъжизавий ҳаёт ҳақида шогирдларидан бирига тўлқинланиб хатлар ёзиб турди. Аста-секин эса келаётган мактубларнинг мазмун-моҳияти ўзгара борди.***




Бир галги хатини у "Ватандан ташқарида бахт йўқ, - деб ёзган Белинский минг марта ҳақ экан", деб юрт соғинчи билан бошлаган, ҳаётининг энг ширин дамлари ўтган Андижон ва унинг меҳмондўст одамлари тўғрисида шу қадар самимий сўзлаганки, дил ташналигини ҳис қилиш қийин эмасди. Устозига сўнгги ўн беш йил ичидаги улкан ўзгаришлар ҳақида жавоб йўллаган шогирди хатининг бир нусхасини бизга ўқиб берди.

Унда бир вақтлар Эски шаҳар ва Янги шаҳар атамалари мавжуд эди, бугун ўша атамалар фақат кексаларнинг тилида қолганлигига ишора этилади. Аксинча, Эски шаҳардаги марказий майдон манзараси наинки андижонликларни, балки бошқа юртдан келаётган меҳмонларни ҳам ҳайратга солаётганлигини жонли мисоллар билан таърифини келтиради. Сўнгги йилларда бунёд этилган Хотира майдони, хассос шоир Чўлпон номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғи барпо этилгани, Узум бозордаги ўзгаришлар, мактабларнинг тамомила янги қиёфаси, тиббиёт институти қошидаги Академик лицей биноси каби бунёдкорликларнинг амалга оширилганлиги Эски шаҳарни тубдан ўзгартириб юборди.

Темир йўл вокзали атрофидаги қурилиш ишлари ўта қисқа фурсат ичида амалга оширилди. Улкан фавворалар билан қуршаб олинган Конституция майдони андижонликлар ва уларнинг меҳмонлари учун сўлим оромгоҳга айланган. Бобуршоҳ кўчасидаги бир-биридан чиройли, кўркам меҳмонхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилди. Кечалари бу шоҳкўча ниҳоятда гўзал бўладики, тунги чироқлар жилваси кишини ўзига маҳлиё этади. Шоҳкўчанинг икки томонидаги ранг-баранг гулзорлар баҳри-дилингизни очади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг буюк иншоотларидан бири бўлган Асакадаги "ЎзДЭУавто" корхонаси ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлади. "Дамас", "Тико", "Нексия", "Матиз" ва "Лассети" русумли автомобилларни нафақат ўзимизда, хорижда ҳам севиб харид қилишяпти. Корхонада ишлаётган тўрт мингдан зиёд ишчи-хизматчи шу юрт фарзандлари. Улар томонидан яратилаётган Асака енгил машиналари энди дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Янги машинага янги йўллар ярашади. Ғарб билан Шарқни боғловчи Буюк ипак йўлининг катта қисми Андижон вилояти ҳудудидан ўтган. Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган ушбу йўлдан ўтар экансиз, ўзингиз ҳам, ифодали қилиб айтганда, машинангиз ҳам енгил тортади, десам муболағаси йўқ.

Бугун Андижон улкан спорт иншоотлари маскани. Бу маскандан етишиб чиққан Муҳаммадқодир Абдуллаев - Олимпия чемпиони. Сергей Михайлов, Баҳодир Султоновлар эса кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлишди. Ўнлаб жаҳон ва Осиё чемпионларини тарбия қилган андижонликлар халқаро спорт саҳналарида юртимиз байроғини юқори кўтараётган фарзандлари билан ҳамиша фахрланади. Ҳозир спорт кошоналари фақат вилоят марказидагина эмас, балки энг олис қишлоқларда ҳам бунёд этиляптики, ўнлаб қишлоқ фарзандлари бугун жаҳон миқёсидаги мусобақаларга етиб боришга эришдилар.

Бир вақтлар Андижонда соя-салқин жойлар, оромгоҳлар бармоқ билан саналарли эди. Ҳозир эса одамларда бундай гўшаларни танлаш имкони ҳам бор. Бу жойлардаги чойхоналар ҳамиша гавжум. Олис юртдаги устозга йўлланган жавоб хатида бу улуғ ўзгаришлар ва одамларнинг бунга муносабати ўз ифодасини топганди.

Дилга ҳаяжон солувчи ҳаётий воқеаларни кўп кузатамиз. Бир пайтлар эл орасида кўп танилган "Андижанка" аёллар хоккей командасини "йўргаклаб" катта қилган Мирон Дмитревич Ким бугунги кунда ҳам андижонликларнинг фахрига айланган. Унинг шогирдлари жуда кўп, бир қанчаси республика терма жамоаларининг аъзолари сифатида дунё майдонларида беллашмоқдалар. Бир куни Мирон ака хориж сафарларида ўзига нисбатан билдирилаётган таклифлар ҳақида сўзлаб қолди. У Вьетнам, Малайзия, Сингапур, Хитойда бўлган чоғида ўша ердаги ҳамкасблари юқори маошлар тўлаш ваъдаси билан ишга таклиф этишибди.

– Барча таклифларни рад этдим, – дейди у. – Мен ҳар галги хориж сафарининг ярми ўтмасданоқ юртимни соғина бошлайман. Хоҳ узоқ, хоҳ яқин мамлакатга бормай, 3-4 кун ўтгач, гўзал Тошкент, меҳрибон Андижон ва бу ерлардаги дўстларим кўз ўнгимдан ўтаверади. Уйга келибоқ, дўстларимга қўнғироқ қилишни бошлайман. Улар билан бир пиёла чой ичсам, шу заҳотиёқ ҳар қандай чарчоқ ўз-ўзидан ёзилиб кетади. Мени ишга таклиф этаётганлар буни қаердан билишсин!

Андижонда ташкил этилган биринчи футбол командасининг ўйинчиси бўлган Саша тоға ўзи ҳақида ҳеч қачон айтмаган бир гапни айтиб қолди:

– Ота-онамнинг айтишларига қараганда, ўтган асрнинг 20-йилларида Россияда очарчилик бўлган экан. Мадори етган одам бир бурда нон истаб Тошкент томон йўлга чиқишибди. Бизнинг оила Тошкентдан ўтиб, водийга кириб келибди. Андижон вокзалига келиб тушганларида намгарчилик экан. Вокзалдан кўриниб турадиган Янгибозорда бизни шаҳар биқинидаги Ҳақан қишлоғилик Усмон сўфи деган одам уйига олиб кетибди. Биз ўша қишлоқда беш йил яшадик. Ўзимизга келдик. Ота-онам бизни рус мактабига бериш учун шаҳарга кўчиб келишган, лекин ота-онам ҳаётининг сўнгги кунларигача бу қишлоқ одамлари билан алоқаларини узишмади.

Мен ҳамон қорнимизни тўйғазган, болалигимизни болалардек ўтишига раҳнамолик қилган шу қишлоқ одамлари ҳузурига бориб тураман. Улар билан худди туғишгандек қадрдонмизки, уларнинг уйи меники, меники эса уларники. Бундай жаннатмакон юрт, қалби очиқ инсонлар ўрнини ҳеч нарсага алмаштирмайман.

– Москвадаги жисмоний тарбия институтини тамомладим, – дейди фахрий спортчи Виктор Леонидович. – Мени тақсимот бўйича Андижонга ишга юборишди. Мана, 60 йилдан зиёд вақт ўтибди. Йигитлигим, муҳаббатим Андижон кўчаларида, боғларида қолган. Ўнта дўстим бўлса тўққизтаси, юзта бўлса тўқсонтаси ўзбеклар.

Виктор Леонидович ўзбек тилида худди ўзбеклардай гапиради. Хоҳ дўстлар даврасида, хоҳ расмий тадбирларда бўлсин, ўзбекчада шундай чертиб-чертиб сўзлайдики, керак жойда мақол ҳам, матал ҳам ишлатади.

– Фарзандларимдан бири Москвада яшайди, – дейди Виктор ака. – Қачон қўнғироқ қилса "қачон келасиз?" деб сўрайди. Жавоби ҳамиша битта: "Хўп сен менга европача яшаш шароитини яратарсан. Еганим олдимда, емаганим кетимда бўлар. Бироқ 60 йилда топган дўстларимни Москвада ҳам топиб бера оласанми?" Ўғлим жимиб қолади. Бу мен қўйган шартни бажара олмаслигига ишора. Ёшим бир жойга борганда умрим давомида сиғинган юртимни, бир-биридан меҳрли, оқибатли дўстларимни ташлаб кета олмайман. Болам менинг юрагимдаги туйғуни билмаса нима қилай?

Президентимиз Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дея лутф қилди. Халқимиз азал-азалдан бағрикенг, байналминал ғояларга содиқ. Ўзбеклар билан ариғи, кўчаси, томи бир тожик, қирғиз, уйғурлар яшаб келишади. Қуда-қудағай бўлиб кетган бу одамлар бу дунёда яхши из қолдирмоқ ниятида умргузаронлик қилишяпти. Турли миллий маданий марказлар фаолият кўрсатяпти. Ҳаммасида мақсад битта - тинчлик ва тотувлик билан озод ва обод юрт қўрғонини барпо этиш.

Миллий-маданий марказларнинг республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тадбирлари бўлиб турибди. Қардош қирғиз дўстларимизнинг ана шундай йиғини "Оқбулоқ ота" оромгоҳида ўтказилди. Катта сайилгоҳда тикилган ўтовларда ўзбек, тожик, корейс, уйғур ҳам, қўйингки, барча-барча бирдек меҳмон бўлди. Русларнинг "Россия кенгликлари" деб номланган мусиқий кечаси шаҳарда, корейсларнинг байрами Бўзда, уйғурларники эса Пахтаободда кенг нишонланди, барча миллат вакиллари бирдек қувонишди, яйрашди.

"Ватандан ташқарида бахт йўқ", деган сўзнинг теран мағзи миллий-маданий марказлар ташкил этаётган тадбирларда, Виктор ака юрак-юракдан айтганидек, дўстлар давраларида яққол намоён бўлмоқда. Барчанинг фикри-зикри, мақсади, тилаги, тинчлик-тотувлик билан озод юртимизни янада обод этишдир.

**Қобилжон АСҚАРОВ**

# Истиқлол – бахтим, саодатим...

(Боши 1-бетда)

Конституцияга биноан, ҳеч кимга ўзини бошқалардан баланд тутиш, чексиз имтиёзларни қўлга киритиш, бошқалар манфаатлари ҳисобига ўз нафсини қондириш ҳуқуқи берилмаган.

2001 йил мамлакатимизда "Оналар ва болалар йили" деб аталди. 6 февралда Вазирлар Маҳкамасининг "Оналар ва болалар йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Амалда соғлом авлод тарбияси йўналиши бу йилда ҳам изчил давом эттирилди.

Спорт – соғлом авлод тарбияси учун хизмат қиладиган муҳим бир восита. Шу йили 28-29 апрел кунлари Тошкентнинг "Юнусобод" спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. 30 апрелда эса Жиззах шаҳрида илк бор ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг тантанали очилиши маросими ўтказилди. Июн ойида Тошкентда мамлакатимизда ягона "SOS" – Болалар маҳалласи" очилди. У ерда етим болалар оила муҳитида тарбияланади.

Собиқ шўро давлатининг тугаши билан мустақил давлатларга айланган мамлакатлар ўртасида кўп эски алоқалар узилган, уларни янги шароитда, тенг манфаатдорлик асосида қайтадан изга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган эди. 2001 йилнинг 25 январидан "Тошкент – Москва – Тошкент" йўналиши бўйича йўловчи поезди қатнай бошлади. 15 мартдан эса "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ишга тушди. 17 мартда 224 километрли "Мискин – Учқудуқ" темир йўли қурилиши якунланди. Бу келажакда "Учқудуқ – Нукус" темир йўлини барпо этиш учун бир пойдевор эди.

3 ноябр куни Урганчда "Авесто" китобининг 2700 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди, ёдгорлик мажмуи очилди. Бу билан дунёга, биринчидан, шу муқаддас асар айнан бизда – Хоразмда яратилганини, иккинчидан, бундан 27 аср муқаддам ҳам аждодларимиз маънавият учун курашганини, учинчидан, ўша замонларда ҳам халқимиз жаҳон тафаккури равнақига шунчалар улкан ҳисса қўшганини айтган бўлдик.

Шу йили Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги нишонланди. Август ойида Навоий шаҳрида "Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи" очилди. Унда муҳтарам Президентимиз қатнашиб, ёрқин нутқ сўзлади.

Тарихни ўрганиш, меросни асраб-авайлаш изчил давом этди. 2001 йили ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанднинг тарихий маркази, меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

17 август куни "Матиз" русумли автомобилнинг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди.

11 сентябрда Америкада амалга оширилган террористик ҳаракатлар бутун башариятнинг кўзини очди. Энг муҳими, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузли халқаро минбарлардан илгари суриб келаётган даъватлари қанчалар ҳақиқат эканини яна бир карра исботлади. 7 декабр куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаати эълон қилинди. Унда аҳоли халқаро терроризм хавфига қарши огоҳликка чақирилади.

2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили" бўлди. 24 январда Вазирлар Маҳкамаси "Қарияларни қадрлаш йили" Давлат дастури тўғрисида" қарор қабул қилди. Йил давомида у изчил амалга оширилди. Мамлакатимизда яна бир миллий ва умуминсоний қадрият – қарияларга эҳтиром ғояси илгари сурилди.

27 январда умумхалқ референдуми ўтказилди. Халқнинг катта кўпчилиги икки палатали парламент тузиш ва Президент ваколатларини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга овоз берди.

Бу йилларга келиб мамлакатимизда ҳаёт изга тушган, давлат ва халқ қаддини ростлаб, энди турли тантаналар, спорт мусобақалари, фестиваллар ўтказиш ярашадиган бўлиб қолган эди. 19 мартда Тошкентдаги "Туркистон" саройида "Ташаббус – 2002" кўрик-танловининг якунловчи босқичи, апрелда Фарғонада "Умид ниҳоллари" мактаб ўқувчилари спорт мусобақалари, майда "Бойсун баҳори" 1-халқаро очиқ фольклор фестивали, Бухорода "Универсиада – 2002" спорт ўйинлари, июнда Тошкентда мактаб, академик лицей ва коллежлар битирувчиларининг "Истиқлол умидлари – 2002" фестивали, 17-18 августда Фарғонада белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 1-халқаро турнир, сентябрда "Ўзбекистон" спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги халқаро турнири, 15 сентябрда "Туркистон" саройида биринчи марта эстрада санъатининг барча йўналишлари бўйича қўшиқ ва куйлар тақдимот фестивали – "Олтин ҳумо", октябрда Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати ўтказилди.

Президентнинг 2002 йилнинг 24 октябридаги Фармонига асосан 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

1 ноябр куни Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўрни келгани учун шу тантанани телевизор орқали кўриб турганда кўнгилдан кечган бир мулоҳазани айтиб ўтса бўлар...

1998 йил июнида Олмониянинг Мюнхень шаҳрида бўлишга тўғри келган. Бутун шаҳар юбилей тўйига тайёргарлик кўраётган экан. Аммо дунёга машҳур бу шаҳар ўзимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларидан жуда-жуда ёш – унинг барпо этилганига эндигина 800 йил тўлган эди.

4 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг яна бир буюк бобомиз – "Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, юбилейни ўтказиш 2003 йилга мўлжалланди.

Биз 2001-2002 йиллари мамлакатимиз ҳаётида кечган энг муҳим, аниқроғи, кўпроқ ёдда қолган нуқталаргагина тўхтаб ўтдик, холос. Шулардан ҳам бир муҳим хулоса келиб чиқади: Истиқлолнинг ҳар йили жиддий мазмун-моҳиятга эга бўлгани, мамлакат олдидаги улкан ва оғир юкни имкон қадар олдинга сураётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биргина аҳолисининг сони инобатга олинганда ҳам, Ўзбекистоннинг юки ёнимиздаги тўрт давлатни қўшгандагидан кўра оғирроқ эканини эслаш ортиқчалик қилмас.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари.**

(Давоми бор)




## "Севинч" – етакчи

***Футбол бўйича аёллар ўртасида мамлакат чемпионати 2-тур баҳслари бўлиб ўтди. Унда амалдаги чемпион "Севинч" (Қарши) Наманганнинг "Аланга" клубига қарши тўп суриб, 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди.***

Совринли ўринлар учун курашиб келаётган "Андижанка" ҳам турни йирик ҳисобдаги ғалаба билан якунлади. "Тер-Ду-Сурхон"га қарши тўп сурган андижонлик футболчи қизлар рақиблари дарвозасига бешта жавобсиз гол киритишди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Шердор" – "Севинч-2" 4:0, "Строитель" – "Ёшлик" 3:0, "Олимпик" – "Зиёкор" 2:0. 2-турдан сўнг турнир жадвалида Қаршининг "Севинч" клуби 15 очко билан етакчилик қилмоқда. "Севинч-2" (Қарши) эса ҳозирча бирорта ҳам очко олмаган ҳолда энг сўнгги поғонадан жой эгаллаб турибди.

## Жаҳон чемпионатида бешинчи

***Чехиянинг Простежев шаҳрида 14 ёшгача бўлган теннисчи қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўн олти давлатдан келган ёш ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб боришди.***

Алберт Хабибуллин етакчилигидаги Албина Хабибуллина, Лола Азимова ва Александра Колесниченколар Осиё саралаш босқичида биринчи ўринни олишганди. Простежев кортларидаги жаҳон биринчилигида вакилларимиз бешинчи рақам остида қайд этилганди.

Якунда ҳам худди шундай бўлди. Чили ва Жанубий Африка Республикаси вакилларини бир хил – 3:0 ҳисобида доғда қолдирган қизларимиз украиналик тенгдошларига имкониятни бой бериб қўйишди. 5-7-ўринлар учун кечган баҳсларда эса терма жамоамиз аъзолари Европа чемпиони Францияни 2:1 ва "Кўҳна қитъа"нинг яна бир вакили — Польшани 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

* * *

Бухоро вилоятидаги "Ҳумо" теннис мажмуасида "Челленжер" халқаро турнири бошланди. Мазкур мусобақада дунёнинг 27 давлатидан 32 нафар спортчи қатнашмоқда.

Ғолибликка даъвогарлар сифатида Василис Мазаралис (Греция), Десаин Крачеиу (Руминия) ва ҳамюртимиз Денис Истомин эътироф этилмоқда. Ғолиб ва совриндорлар 26 август куни маълум бўлади. Спортчиларнинг мазкур турнирдаги муваффақиятли иштироки уларнинг ҳисобидаги рейтинг очколарининг ошишига ҳисса қўшади.

## Финалда Хингисни енгди

***Сербиялик теннисчи Ана Иванович Монреалда ўтган, мукофот жамғармаси 1,34 миллион АҚШ доллари бўлган "Rogers Cup" турнирининг ғолибасига айланди.***

Финалда у 6:2, 6:3 ҳисобида дунёнинг собиқ биринчи ракеткаси Мартина Хингисни мағлуб этди.

Бу 18 ёшли Ивановичнинг WTA турнирларидаги иккинчи, биринчи категорияли мусобақалардаги илк муваффақиятидир. 2005 йилнинг январида у Австралия пойтахти Канберрада тўртинчи даражали турнирда ғалаба қозонганди. Хингис эса ўз фаолияти давомида "Катта Дубулға" туркумидаги турнирларнинг бештасида зафар қучган. Унинг умумий ҳисобида 41 та соврин мавжуд.

– Бундай нуфузли турнирдаги муваффақият менда келажакда дунёнинг энг яхши теннисчилари устидан ғалаба қозонишим мумкинлигига ишонч уйғотди, – деди Иванович финалдан сўнг. – Мен учун бу соврин келажак сари ташланган илк қадамдир.



Эслатиб ўтамиз, Мартина Хингис бу йилги мавсумда иккинчи марта финалда мағлубиятга учрамоқда. Аввал у февралда Токиода ўтган "Pan Pacific Open" турнирида Елена Дементьевага имкониятни бой берганди. Бу йилги мавсумда собиқ биринчи ракетканинг ҳисобига биттагина ғалаба ёзилди. У Рим кортлари финалида Динара Сафинани мағлуб этганди.

## Кучлилар сараланди

***22-23 август кунлари футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси учинчи босқич саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Чемпионлар лигаси 2005 йилги ғолиби "Ливерпул" "Маккаби" (Хайфа)ни биринчи ўйинда 2:1 ҳисобида мағлуб этганди.***

Киевда ташкил этилган жавоб ўйинида эса 1:1 ҳисоби қайд этилди ва "Ливерпул" гуруҳ босқичига йўл олди. Италиянинг "Милан" клуби ҳам "Црвена звезда"ни илк ўйинда мағлуб этганди – 1:0. "Сан-Сиро"да ўтган жавоб учрашуви ҳам 2:1 ҳисобида Карло Анчелотти шогирдлари фойдасига ҳал бўлди.



Испаниянинг "Валенсия" клуби "Зальцбург" (Австрия)га сафарда имкониятни бой берганди – 0:1. Ўз майдонида эса улар рақиблари дарвозасига учта жавобсиз тўп киритишди. "Гамбург" – "Осасуна" ўртасидаги дастлабки ўйин 0:0 ҳисобида якунланганди. Испанияда ўтказилган учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди ва немис клуби мусобақани давом эттиради. "Бенфика" ҳам "Аустрия" (Австрия)ни Руи Кошта, Нуну Гомеш ва Арманду Петитлар томонидан киритилган голлар эвазига "тор-мор" этди. Бу жамоалар ўртасидаги дастлабки учрашув 1:1 ҳисоби билан ниҳоясига етганди.

Россия чемпионати аъзоларидан "Спартак" ва ЦСКА клублари ҳам нуфузли турнир ғолиблиги учун курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишди. "Спартак" Чехиянинг "Слован" клубини мусобақадан чиқариб юборган бўлса, ЦСКА Словакиянинг "Ружомберок" клубини икки ўйин натижасига кўра 5:0 ҳисобида мағлуб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


**Тошкент вилояти Паркент тумани "Заркент" қишлоғидаги сут-товар фермаси, қўйчилик ва отчилик фермалари бўйича ўтказилган аукцион натижаси бекор қилинганлиги муносабати билан мазкур фермалар қайтадан очиқ аукционда сотувга қўйилади.**

| | |
|---|---|
| Сут-товар фермаси | – бошланғич баҳоси 230000,6 минг сўм |
| Қўйчилик фермаси | – бошланғич баҳоси 21663,0 минг сўм |
| Қўйчилик фермаси | – бошланғич баҳоси 23177,0 минг сўм |
| Йилқичилик фермаси | – бошланғич баҳоси 22686,0 минг сўм |

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғи, А.Навоий кўчаси, 1-уй.



BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.





KAMMAZ ARSENAL

Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўч., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com



В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. Физическое лицо, гражданин Республики Узбекистан Закиров Тохир Абидович раскрывает информацию о намерении приобрести 25 000 (Двадцать пять тысяч) штук простых, именных и на предъявителя, наличных и безналичных акций ОАО "Нерудник" г.Ташкент расположенного по адресу: г.Ташкент, ул.Чирчик буйи, 3, что составляет 53,91 % от Уставного фонда.

Утерянный гос.ордер № 08-05/1273 от 23.06.1998 г. права собственности Закиров Хуснитдин Насирович на квартиру, считать недействительным.


## "Бир келиб кетинг қишлоғимизга..."

*Матбуот саҳифаларида*

**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 18 август:**

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган адабиёт байрами хусусида **"Истиқлол гурунглари"** мақоласида сўз боради.

**"XXI аср" газетаси, 24 август:**

**"Ишончли ҳамкор, яқин кўмакчи"** мақоласида жойларда фермерчиликни ривожлантиришда банк тизимининг ўрни хусусида фикр юритилади.

**"Ўзбекистон овози" газетаси, 22 август:**

**"Мустақиллик майдонидан учган турналар"** сарлавҳали мақола Элликқалъа туманида ўтказилган "Ҳуррият наволари" адабиёт байрамига бағишланган.



**"Нурлы жол" газетаси, 19 август:**

**"Гул жайнаған ўнгир"** мақоласида сирдарёлик фермерларнинг шу кеча-кундуздаги ишлари қаламга олинган.

**"Халқ сўзи" газетаси, 19 август:**

**"Жасорат аёлга ҳам ярашади"** мақоласи Қува туманидаги "Қуёшхон" фермер хўжалиги раҳбари Ҳикоятхон Ўлмасова меҳнат фаолиятига бағишланади.

**"Правда Востока" газетаси, 24 август:**

**"К заветной цели"** мақоласида жиззахлик пахтакорларнинг зарбдор 20 кунликдаги амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз боради.

**"Овози тожик" газетаси, 23 август:**

**"Аз ҳаракат-баракат"** мақоласи косонсойлик фермер Абдуманнон Каримовнинг фаолиятига бағишланади.

**"Тошкент ҳақиқати" газетаси, 23 август:**

**"Истиқлол имкониятларидан дилда шукрона"** мақоласи мустақиллик йилларида Юқоричирчиқ туманида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига бағишланган.

**"Маҳалла" газетаси, 23 август:**

**"Қорасувда спорт мажмуи"** мақоласида Қорасув туманида болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.


ГВУП "Коммунал лизинг" преобразовывается в ООО в связи приватизацией. Притензии принимаются в течении 30 дней по тел.: 133-06-08

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "ХУМОРА САВДО БИЗНЕС" масъулияти чекланган жамияти "САН МАДИНА" масъулияти чекланган жамиятига қўшилаётгани ва "САН МАДИНА" масъулияти чекланган жамияти "ХУМОРА САВДО БИЗНЕС" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел. 124-19-00.

ЧФ "SARDOR-SANJAR" (код по ОКПО 17923751) Сергелийского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.Тел.: 398-83-48.



АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232–Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт – 1,5-4,5 тонналы юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-3309" русумли нон ташиш машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган



ООО "TURUZ KLASSIK MEBEL" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 53655,5 долларов США до 49565,5 долларов США. Претензии принимаются по тел.: 175-35-35.


"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси, акциядорлик-тижорат "Ғаллабанк" жамоалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

**Абдивоҳид Маматқулович ЖЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси Навоий Марказий ўрмон хўжалиги бош ўрмонбегиси

**Эшонкул ТОШОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр университети, Ирригация ва мелиорация институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти жамоалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

**Абдивоҳид Маматқулович ЖЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбек ипаги", Фермер хўжаликлари уюшмалари, "Турон банк" жамоалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, "Турон банк" Кенгаши раиси

**Абдивоҳид Маматқулович ЖЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти, "Пахта" ИИЧ бирлашмаси, Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси жамоалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

**Абдивоҳид Маматқулович ЖЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Аниқлик киритамиз:** газетамизнинг 22 август сонида чоп этилган "Пўлат отим" - мададкорим" мақоласининг сўнгги икки сатри "механизатори, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби" деб ўқилсин.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С.РАҲМОНОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -12131

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6